

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

“ДИНШУНОСЛИК ВА ЖАҲОН ДИНЛАРИНИ ҚИЁСИЙ
ЎРГАНИШ
ЮНЕСКО” КАФЕДРАСИ

Р.Исоқжонов

МУНАЗЗАМ ФАЛСАФИЙ ЁЗУВЛАР
ДАВРИ. фанидан маъруза матни
КИНДИЙ ВА РОЗИЙ

Тошкент 2010

МУНАЗЗАМ ФАЛСАФИЙ ЁЗУВЛАР ДАВРИ. КИНДИЙ ВА РОЗИЙ

РЕЖА:

1. Киндий ҳаёти.

2. Таълимоти.

3. Розий ҳаёти.

4. Таълимоти.

1. Киндий ҳаёти. Араб халифалигига қарашли ҳудудларда илм-фаннинг таракқиёти билан бирга, эркин фикр қилувчи, диний ақидалардан етишиб чиқадилар. Бу мутафаккирлар ўз қарашлари билан Ўрта аср Шарқ фалсафасига асос соладилар. Улар ўз қарашларининг дунёвийлиги, ўз асарларининг ақл-идрокли, ўқимишилилиги, қадимги юнон-рим фалсафий қарашлари билан таниш бўлган, ўз кучлари ва билимларига қаттиқ ишонган кишилар бўлишган эди. Бундай мутафаккирлардан бири, биринчи араб файласуфи Ёқуб Ибн Исҳоқ ал-Киндий (800-879) дир.

Ал-Киндий асли арабларнинг Яманда яшайдиган Кинда деган қабиласидан чиққан бўлиб, унинг таҳаллуси ҳам шу қабиланинг номидан олингандир. Ал-Киндийнинг номи аслида Абу Юсуф Ёқуб Ибн Исҳоқдир. Ал-Киндий дастлаб бошланғич таълимни Куфадан олиб, сўнг Басрага боради ва у ерда олимлар кўлида ўқий бошлайди. Ал-Киндий Басрада ўзига зарур, деб билган билим соҳаларини эгаллаб, сўнг яна ўз билимини ошириш мақсадида Бағдодга келиб, дастлаб форс, юнон фалсафасини ўрганишга киришади. Лекин бу даврда юнон фалсафасига оид кўп китоблар араб тилига ҳали таржима қилинмаган эди. Шу сабабли у қадимги юнон фалсафасини ўқиш мақсадида юнон тилини ўрганишга киришади ва тез орада бу соҳада ниҳоятда катта муваффақият қозонади. Ал-Киндий юнон тилини билиб олиши асосида қадимги юнон файласуфларининг асарларини ўрганиш билан чекланмай, уларнинг бир нечасини араб тилига таржима ҳам қилади. У ўзининг илмга чинакам берилганлиги туфайли тез орада билимдон кишилар орасида ҳурмат-эътиборга

сазовор бўлиб, унинг номи шаҳар амалдорлари ва олимлари доирасида тез-тез тилга олинадиган бўлади. бундан хабар топган халифа Ал-Маъмун уни «Байтул хикма» («Донолар уйи») академиясига жалб қилади. Ал-Киндий бу ерда йирик таржимон ва олим Хусайн Ибн Исҳоқ билан танишиб, унинг қўлида таржима илмини ўрганади, араб тилига юнон тилидан таржима қилиш санъатини эгаллаб, тез орада кучли таржимонларнинг бири бўлиб қолади. Натижада, у Аристотелнинг «Метафизика», Птоломейнинг «География», Евклиднинг «Элементлар» китобларини юнон тилидан араб тилига таржима қилади. Шу билан бирга, Ал-Киндий Аристотелнинг «Категория», «Иккинчи аналитика», «Органон» асарларига, Птоломейнинг «Альмагест» асарига, Эвклиднинг «Элементлар» китобларига шарҳлар ёзади.

Ал-Киндийнинг яратган асарларининг умумий сони 270 тага борган бўлса ҳам, бироқ бизгача уларнинг жуда оз қисми етиб келган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, унинг фақат фалсафага оид асарларининг сони олтмишдан ортиқ, мантикқа оид асарлари эса қирқдан зиёд бўлган.

2. Таълимоти. Ал-Киндий фалсафа билан дин ўртасидаги тортишувни фалсафа фойдасига ҳал қилади. У фалсафа фанини ўрганишининг зарурлигини исбот қилишга уриниб, уни табия ва жамият ҳодисаларини тушунтириб берадиган, борлиқни билишнинг муҳим қуроли, деб айтади. Ал-Киндий, фалсафанинг душманлари ҳам фалсафага муҳтождирлар, деб уқтиради. Буни шундай тушуниш мумкин: борди-ю, бирор киши агар фалсафа билан шуғулланиш ярамайди, деса, доим нима учун ярамайди? деб сўрашимиз мумкин. Шунда рақиб ўзи айтган фикрининг ҳақиқат эканлигини тасдиқловчи мантикий-иқтисодий далиллар келтириши керак бўлади, яъни бунда у ўз-ўзидан файласуфлик қилиши керак бўлади, деб ёзади у. Бу оддий мисол орқали Ал-Киндий фалсафанинг зарурлигини уқтирибгина қолмай, балки фалсафанинг вазифаси нимадан иборат? Инсон ақли нарса ва ҳодисаларнинг асл моҳиятини билишга қодирми? Деган саволларга ҳам жавоб беришга ҳаракат қилади. “Фалсафа, - дейди у, - бошқа фанлар сингари нарса ва ҳодисаларнинг

сабабларини тушунтиради. Номайлум ҳақиқатнинг сабабини топиш орқалигина унинг моҳиятини билиш мумкин”.

Ал-Киндий, олам тўғрисидаги бутун ҳақиқатни бир мутаффакирнинг ўзи тўлиқ тушуниб, эгаллаб етолмайди, дейди. Ҳақиқат неча-неча асрлардан бери неча-неча мутаффакирлар томонидан тўпланиб келинади: бир одамнинг умри, қанчалик узун бўлмасин, унинг ақли қанчалик кучли бўлмасин, унинг илмий изланишлари қанчалик саботли бўлмасин, у қанчалик кўп меҳнат сарф қилмасин, барибир, у олам тўғрисидаги бор ҳақиқатнинг ҳаммасини тўлиқ тушуниб етолмайди. Бунинг учун, дейди у, юзлаб, минглаб йиллар, неча-неча авлодларнинг матонатли изланишлари, ўтқир фикрлари зарур бўлади. Шу туфайли биз бир оз бўлса-да ҳақиқатни бизга билдириб кетган ўтмишдошларимиз, ота-боболаримиздан миннатдор бўлишимиз лозим, дейди у.

3. Розий ҳаёти. Ўрта аср эрон фалсафасининг буюк вакили ар-Розийдир.

Ар-Розий (864 - 925)нинг тўлиқ исми шарифи Абу Бакр Муҳаммад Ибн Закариё ар-Розийдир. У эронлик бўлиб, Рай шаҳрида дунёга келади. Розий ёшлигидан араб ва қадимги юнон тилларини ўрганади, Рай ва Бағдод шаҳарларида ўқийди. У айниқса, тиббиёт, кимё, ботаника, астрономия, математика, мантиқ ва фалсафага оид илмларни чуқур эгаллаб, Шарқнинг буюк энциклопедист олими, адиб ва мутафаккири бўлиб етишади. Розий кейинчалик Рай ва Бағдод шифохоналарини бошқаради. Бу пайтда у Ўрта Осиё, жумладан, Бухоро илм аҳллари билан илмий алоқада ҳам бўлади. Розий ўз даврининг Галени (Жолинуси) деб танилиб, Европада унинг номи лотинча Разес деб аталади. У инсон билимларининг уч соҳасига: тиббиётга, кимёга ва фалсафага жуда катта ҳисса қўшади. Розий табобатга, кимёга, фалсафага, мантиққа, этикага, илоҳиётга, астрономияга, физикага оид 184 та асар қолдиради, шулардан бизгача фақат 61 таси етиб келади (улардан 36 таси тиббиётга, 4 таси кимёга оид).

Розийнинг фалсафий қарашлари Эрон, Турон, араб, Ҳинд, Хитой фалсафий системалари ҳамда қадимги юнон фалсафий таълимотлари асосида шаклланади. Унинг дунёқарашида материалистик тенденциялар устун ўрин

олади. Розийнинг илмий тадқиқотлари тажриба ва экспериментларга асосланган ўз даври догматик қарашларидан ҳоли, табиатшуносликнинг фалсафий муаммоларига кўпроқ оиддир. Шу билан бирга, у ўз даврида ўзининг оригинал фалсафий қарашлари билан замондошларидан анча илгарилаб кетиб, қатор илғор фалсафий ғояларни олға суради.

4.Таълимоти. Розий ўз дунёқарашида ҳукмрон мафкура-ислом ортодоксал таълимотини инкор қилибгина қолмай, балки Аристотел ва унинг изидан борган ўз ўтмишдошлари Ал-Киндий, Равандий ва шу кабиларга нисбатан бутунлай бошқача йўл тутди. Унинг фалсафий таълимоти бўйича, реал дунё бешта азалий бошланғичнинг бир-бирига қўшилишидан ташкил топган. Бу бешта азалий бошланғич: материя (хаюло), макон, замон, жон (ан-нафас) ва худо (бориб)дан иборатдир. Розий бунда худони азалий бошланғич сабаблардан фақат бири, деб билади, у дунёнинг вужудга келишида бошқа азалий бошланғич сабаблар қандай рол ўйнаса, худо ҳам шундай рол ўйнади, деб ҳисоблаган. Шу сабабли у худони дунёни яратувчи эмас, балки бошқарувчи куч, деб тасаввур қилади. Кўриниб турибдики, Розий худони бутунлай инкор этувчилар жумласига кирмайди. У шу билан бирга, материянинг абадийлиги, унинг макон ва замонда чексизлиги, дунё ҳеч ким томонидан яратилмаганлиги, ҳаракат эса нарсаларнинг ажралмас хусусияти, ҳаракатнинг манбаи нарсаларнинг ўз ичида, деб билади. Ар-Розий материяни оламнинг асосий негизи, дейди. У ўзининг материя ҳақидаги таълимотида Демокрит атомистик назариясига асосланган ҳолда материяни «бўлинмас заррачалар» («ажзоу лойата жазза») дан иборат, деб тушунади. Бу заррачаларнинг бўшлиқ (холо) заррачалари билан турлича бирикиши натижасида тўртта унсур: сув, тупроқ , ҳаво ва олов пайдо бўлади. Дунёдаги барча предметлар ва ҳодисалар шу унсурларнинг турлича миқдорда ўзаро қўшилишидан ташкил топади, дейди у. Булар шуни кўрсатадики, Розий ўзининг дунёнинг тузилиши ҳақидаги таълимотида маълум даражада қадимги юнон файласуфларининг атомистик қарашларига суянган. Унинг бу таълимотига кўра атомлар масса ва оғирликка эга бўлган абадий моддий нарсалар. Бу моддий нарсалардан моддий дунё ташкил топади. Розий бунда

моддий дунёнинг, табиатдаги жисмларнинг асослари ва тузилишлари ҳақида гапириб, улар икки нарсадан: материя ва шаклдан иборат, лекин материя моҳияти жиҳатдан шаклдан устун туради, дейди. У бунда ўз даври фалсафасида қабул қилинган терминлардан фойдаланиб, материяни жавҳар (субстанция), шаклни эса ораз (акциденция), деб ҳисоблайди.

Розийгача кўпчилик Шарқ файласуфлари ўз фалсафий қарашларида худо (оллоҳ)ни биринчи асос, биринчи сабаб, деб, оламнинг, материянинг абадийлигини худонинг абадийлигини исботлашдан келтириб чиқариб изоҳлаган бўлишса, Розий эса материянинг абадийлиги ҳақидаги таълимоти билан оламнинг худо томонидан яратилмаганини исботлашга ҳаракат қилди.

Илмий тажриба ва кузатишларга асосан Розий таълимоти бўйича, оламдаги нарсалар оллоҳ томонидан яратилмай, олам ҳам Оллоҳ томонидан яратилган эмас. Оламнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши асосида моддий нарса – материя ётади. Материя абадий ва узлуксиздир. Материя эса фақат макон ва замонда яшайди. Шунинг учун материянинг яшаш шакллари бўлган макон ва замон ҳам чексиз ва адабийдир. Макон ва замон бизга ва Оллоҳга боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив ва мутлақдир.

Розий фалсафий таълимотнинг қимматли томонлари булар билан чекланмайди. Унинг фалсафий таълимотининг яна бир қимматли томони шу эдики, Розий инсон ақл-идрокини беҳад улуғлади, одамларни табиат ҳодисаларини ўрганишга, билишга чақирди, инсонларни эса бахтли ҳаёт қуришга, илм-фанни эгаллашга даъват қилиб, диний дунёқарашга оид ўша даврдаги мутаассибликни қаттиқ танқид қилди. Розий ўз қарашларида моддий дунёнинг табиатнинг инсондан, инсон билимларидан олдин мавжудлигини, улар инсон онги ва тафаккурига, унинг сезгилари ва ақлига боғлиқ эмаслигини айтиб, улар инсонга, унинг сезги аъзоларига таъсир қилиши натижасида инсон уларни билади, дейди. Бу шуни кўрсатадики, Розий билиш масалаларида ҳам (гарчанд ҳамма вақт изчил бўлмаса-да) илғор йўл тутди. У инсоннинг табиатни билиш имконияти ҳақидаги фикрларни олға суриб, тажрибага катта аҳамият берди.

Розий бунда улуғ табиатшунос сифатида инсон билимларининг тўғрилигини исботлашда тажриба муҳим рол ўйнашини кўрсатади.